ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Т.Т.Мадумаров

Мақолада республикамизда давлат харидларининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва уларни такомиллаштириш масалалари бўйича тавсиялар келтирилган.

Таянч сўзлар: *давлат хариди, давлат эҳтиёжлари, давлат маблағлари, тендер савдолари, тўғридан-тўғри шартномалар, конкурс савдолари, тендер комиссияси, баҳолаш комиссияси, ишчи орган, электрон аукцион савдолар.*

В статье рассматриваются тенденции развития правовых основ государственных закупок в республике Узбекистан и представлены рекомендации по их совершенствованию.

Ключевые слова: *государственные закупки, государственные потребности, государственные средства, тендерные торги, прямые договора, конкурсные торги, тендерная комиссия, оценочная комиссия, рабочий орган, электронные аукционные торги.*

This article touches upon the tendencies of development of legal bases of government procurements in the Rrepublic of Uzbekistan and provides with recommendations for their improvement.

Keywords: *government procurements, state requirements, public funds, tender auctions, direct contracts, competitive auctions, tender commission, estimated commission, working body, electronic auction tenders.*

Давлат харидлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ва Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан аниқланадиган рўйхат бўйича бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари бўлиб, уларни ташкил этиш, амалга ошириш ва шу асосда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш, ижро этиш ҳамда ижро этмаслик учун ҳуқуқий жавобгарлик чораларини белгилаш масалалари ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўрин тутади.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини таъминлашда муайян товарлар, ишлар ва хизматларга эҳтиёж сезилади. Ушбу эҳтиёжларни таъминлаш мақсадида бюджет маблағларидан харажат қилинади. Ана шу харажатлар бугунги кунда давлат харидлари йўли билан амалга оширилади. Давлат харидлари билан боғлиқ қонунчилик ҳақида гап кет-

ганда шуни таъкидлаш керакки, бу борадаги фаолият Фуқаролик ва Фуқаролик-процессуал кодекслари ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги, «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, 50 дан зиёд қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда.

ФКда давлат харидлари билан бевосита боғлиқ бўлмаса-да, маҳсулот етказиб бериш (437-456-моддалар), давлат эҳтиёжлари учун товарлар харид қилиш (ФКнинг 457-464-моддалар), қурилиш пудрати (666-685-моддалари), лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати (686-692-моддалар) ва шу каби бошқа шартномалар давлат харидларини амалга оширишда тузилади ва ушбу шартномавий конструкция асосида товарлар, ишлар ва хизматлар буюртмачиларга тақдим этилади.

Айнан шу жиҳатдан Ўзбекистон Республиксининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунида эса давлат харидлари барча ҳолатлар хўжалик шартномалари сифатида амалга оширилиши нуқтаи назаридан муҳимдир. Бинобарин, давлат хариди иштирокчиларининг ўзаро шартнома тузишлари, шартномалар шакли ва расмийлаштирилиши, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги ушбу қонун нормалари асосида аниқланади.

ФК ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун асосида давлат хариди жараёнининг қуйидаги босқичларини кўрсатиш мумкин:

1-жадвал

Харид қилиш циклининг босқичлари



Давлат харидлари билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда Бюджет кодекси ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни ўзига хос ўринга эга. Хусусан, Бюджет кодекси 121-моддаси «Давлат харидлари» деб номланиб, унда давлат харидлари рақобат ва очиқликни таъминлаш асосида амалга оширилиши, у ҳақда эълонлар белгиланган тартибда махсус ахборот порталида (Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг махсус веб-сайтида) жойлаштирилиши кераклиги ва унинг муддати (ўн кун), рақобат ва очиқлик чекланган ҳолдаги давлат харидлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида назарда тутилган. Шунингдек, Бюджет кодексининг 177-моддасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари давлат харидлари бўйича тендер (танлов) савдоларининг тўғри ўтказилиши устидан давлат молиявий назоратини амалга ошириши белгиланган.

Давлат харидлари билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг учинчи босқичини 2016 йилдан кейинги давр сифатида кўрсатиш мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини ва ушбу фармон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастури»да «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унда қуйидагиларни назарда тутиш:

давлат харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очиқ механизми, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш чоралари;

давлат харидларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш;

давлат харидлари тизимини қўллаш мажбурий бўлган субъектлар доирасини кенгайтириш, уларнинг қаторига давлат корхоналари ҳамда давлат улуши 50 фоиз ва ундан зиёд бўлган тижорат ташкилотларини қўшиш;

давлат харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг мустақил ва самарали тизими ҳамда тартибини яратиш;

электрон харидларни янада ривожлантириш, натижаларини таҳлил қилиш учун маълумотлар ягона базасини, харидларнинг зарурий параметрларини жорий этиш белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сон «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши билан давлат харидларини ҳуқуқий тартибга солишнинг янги босқичи бошланди. Мазкур қонунга кўра, давлат хариди – товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш эканлиги белгиланган.

Қонунда давлат харидларининг асосий принциплари, давлат харидлари субъектларининг ҳолати белгиланган. Масалан, ушбу Қонун мақсадлари учун давлат буюртмачилари деганда қуйидагилар тушунилади:

1) бюджет буюртмачилари:

Давлат органлари;

бюджет ташкилотлари;

харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтириладиган бюджет маблағларини олувчилар;

давлат мақсадли жамғармалари;

2) корпоратив буюртмачилар:

Давлат корхоналари;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;

устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар.

Давлат буюртмачиси:

мустақил равишда ёки ихтисослашган ташкилотни жалб этган ҳолда товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини белгилаш, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно;

давлат харидларини амалга оширишда ўз расмий веб-сайтига ёки ўзининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига эълон жойлаштириш;

харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга мурожаат қилиш;

иккинчи босқич якунлари бўйича тендер тарзида харид қилиш тартиб-таомилини ўтказишда ғолиб билан нархни пасайтириш тўғрисида музокараларга киришиш ҳуқуқига эга.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини ижро этиш учун талабгорлар сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Президентлари ва норезидентлари харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) бўлиши мумкин.

Иштирокчи:

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;

муайян давлат харидлари тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ва тушунтиришлар олиш;

харид комиссияси томонидан таклифлар очилаётганда белгиланган тартибда иштирок этиш;

харид қилиш тартиб-таомиллари бузилган тақдирда давлат харидлари натижалари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

давлат харидлари тартиб-таомилларида кўрсатилган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ таклифларга ўзгартишлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, мамлакатимизда давлат харидларининг ташкил этилиши ва ҳуқуқий тартибга солинишини уч босқичга бўлиш (2000 йиллар бошидан – 2011 йилгача, 2011 йилдан – 2018 йилгача, 2018 йилдан бошлаб) ва шу асосда қонунчилик ривожланишини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолат давлат харидларини ташкил этиш, уларни ўтказиш ва амалга ошириш жараёнларида қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш, давлат хариди жараёнлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва манзилли фойдаланишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Жумамуротова К. Давлат хариди ҳуқуқий асос такомилини талаб этмоқда // Биржа.- 2012.- 21 июнь.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни // http://www.lex.uz/acts/18942

3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси // http://www.lex.uz/docs/2304138

4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси - Т.: Адолат, 2013.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // http://lex.uz/docs/3039311

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // http://www.lex.uz/docs/3107036

7. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси // http://www.lex.uz/docs/3107036

8. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сон «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни // http://www.lex.uz/docs/3648300

Андижон давлат университети,
2018 йил 5 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Й.Раҳимов)